АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОН ВА УНГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

Даврон Нуриддинович Хўжаев
ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Алишер Навоий ижодининг серқирралиги бевосита инсон, унинг тақдири, борлиқдаги ўрни, бахти саодати, яхши яшаши каби ғояларда намоён бўлади. Инсоннинг етукликка эришиши замирида жамият асосий ролга эга бўлиб, жамиятдаги муҳит инсоннинг маънавий қиёфасини белгилайди. Хусусан, Навоийнинг ижоди биринчи навбатда инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни ёритиш, ҳал этиш хизматига қўйилгандирки, бундай вазифани у ўзининг ғоялари ва қарашларига ҳам катта умид билан юклаган ва сингдиргандир. Инсоннинг олий қадрият сифатида қадрланиши “Хамса” асарининг достонларида ўз аксини топган ва фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Инсон, инсон борлиғи, жамият, борлиқ, вафодорлик, садоқат, муҳаббат, эзгулик, адолат, илм, табиат,

THE IDEA OF MAN AND HUMANITY IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI

Davron Nuriddinovich Khujaev
Doctoral Researcher at the Faculty of Social Sciences of National University of Uzbekistan

ABSTRACT

The manifold aspects of the works of AliShir Navai are immediately reflected in his ideas on man, his destiny, his place in the being, his happiness and wellbeing. According to the author, the society is of paramount importance in man’s search for perfection and divine and social environment determines the spiritual image of the individual. Accordingly, the whole creative life of Navai was directed at the task of illuminating and illustrating the interrelations between society and the individual, and he soaked, so to speak, this idea in his multi-volume works. The idea of elevation of man up to the level of highest value is reflected in Navai’s magnum opus: Khamsa, and this collection of books also contain philosophical analyses on this topic.

Keywords: man, being of man, society, being, loyalty, perseverance, love, virtue, justice, knowledge, nature.